

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 4 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (11.102)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУДДАТЛИ ҲАРБІЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервга бўшатилин.
2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қаҳир бўлган фуқаролари 2008 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуроли Кучлари сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервга олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узулқисс таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустахкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узулқиссизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш; ишга туширилаётган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан бююртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлиари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, мудатли ҳарбий хизматни тутатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

музыка, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳхандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб ўй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жиҳмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларида 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):
вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта мудатда «Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин. Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг қўламада тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-хунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринини эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ПОЙТАХТИМИЗДА 1 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ ЗУЛФИЯ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

ШОИРА БОҚИЙДИГИНИНГ ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ватанимиз, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юртимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрғаниш борасида изчил ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида бир гуруҳ марҳум улуг шоир ва ёзувчиларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, юбилейлари кенг нишонлангани, пойтахтимизда Фафур Фулом ва Абдулла Қаҳҳор каби устоз адибларимизга мухташам ҳайкаллар ўрнатилгани бу фикрни яқоқ тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарори халқимизнинг севимли фарзанди, таниқли жамоат арбоби Зулфиянинг миллий адабиётимизга қўнган улкан ҳиссаси, бетакрор ижодий мероси ва ибратли фаолиятининг яна бир амалий эътирофи бўлди.

2008 йил 1 март куни пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфиянинг ҳайкали очилди. Ўртбошимизнинг муноси ва меҳнатқаш, ҳаётнинг ҳар қандай сурун ва тўфонлари қаршисида ўзини йўқотмай, сабртоқат ва шукроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шoirасининг тимиоли акс этиши керак, деган ғояси Ўзбекистон халқ рассоми, ҳайкалтарош Равшан Миртожиёв ишлаган ҳайкалда тўла ифода этилган.

Баҳорнинг илк куни — Зулфия таваллуд толган айёмда ардоқли шoirа ҳайкали ўрнатилган ҳиббон байрамона кўркак бурканди. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шoirанинг муқдсларни ва фарзандлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфиянинг ҳайкали очилишида бағъшланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шoirалари А.Орипов ва Э.Воҳидов, Ўзбекистон халқ шoirаси, «Саодат» журнали бош муҳаррири О.Ҳожиёва, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ёш шoirа Д.Усмонова, Зулфиянинг қизи, адабиётшунос О.Халимова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча ҳабадларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш устувор ўрин тутайётганини таъкидлади. Адабиёт ва санъат, маданият соҳаси раванқига, ижодкор эътиборлар меҳнатига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбари Шарқнинг фозила аёллари бошлаган эзгу аъёнчаларни ХХ асрда янада бойитиб, янги поғонага кўтарган атоқли шoirа ва жамоат арбоби Зулфиянинг бетакрор ижоди ва ёрқин шахсиятига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаятгани юртимиз жамоатчилигига, айниқса, адабиёт аҳлига яхши маълум. Истиқлолнинг дастлабки йилларида улуг шoirанинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани, 80 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Президентимиз шoirага махсус табрик йўллаб, Зулфия олани савимий қўллагани, ижодий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо бергани ҳам шундан далилатдир.

Ана шундай юксак эътибор тўғрисида Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган Фармони асосида мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида изланаётган, фаол, фидойи, ташаббускор ва иқтидорли қизларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган даврда ўзининг аъло билими ва ҳули, адабиёт ва санъат соҳасидаги истеъдодини намоян қилиб келаятган юз нафардан зиёд иқтидорли қиз ушбу мукофотга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда маънавий ҳаётимизда фаол иштирок этиб, қўнғиликча ўртак бўлаётган бу қизлар тимиолида эл-юртимиз келтиришида Зулфиянинг каби Ватанимиз шухратини дунёга таратадиган юксак салоҳият, ақл ва таваққур соҳибаларини кўришни орау қилади.

Ардоқли шoirа ҳайкалининг очилиши Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март арафасига тўғри келганда ҳам ўзига хос маъно бор. Таниқли адибларимиздан бири таърифлаганидек, Зулфия ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган «Саодат» журнаliga узок йиллар муҳаррирлик қилиб, хотин-қизлар истикболи йўлида курашиб келган жамоат арбоби эди. Зулфия неча-неча кўннинг қўлидан тулиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўрқ кўрсатган меҳрибон, аммо талабчан устоз, нозик таъб, зукко аёл, садокатли ёр, меҳрибон она, буви эди.

Улуг шoirа ўз шеърларидан бирини инсон руҳининг боқийлиги, эзгулик ва адолатнинг абадийлиги ҳақида фикр юритиб, «Бахтим шу — ўзбекининг Зулфиясиман» деб ёзган эди. Мазкур мухташам айдорлик тимиолида Зулфия ўзининг ибратли умри, беназир истеъдоди ва ёрқин шахсияти билан халқимиз қалбидан теран жой олганига, унинг қўлуг номи ва ўлмас мероси беэавол яшаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Эндиликда санъат ва адабиёт, ёшлик ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу файзли ҳиббон наинки буюк шoirа хотирасига, айнаи чоғда муқаддас аёл эотиға ҳурмат баҳо келтирилаётган табарруқ қадамжого айланчак.

Фулом МИРЗО, Ўза муҳбири

2007 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАШТИРИШ ЯКУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОРИКЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МАҚСАДЛИ КМПЛЕКС ВА ТАРМОҚЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ 2007 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

1. Иқтисодий ўсишнинг барқарор ва муносибли суръатини таъминлаш

Иқтисодий ўсишнинг барқарор ва муносибли суръатини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида мамлакат макроиқтисодий ривожланишидаги мавжуд ижобий тенденциялар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Йил давомида ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръати таъминланди, бу кўрсаткич ҳар чоракда 9 фоиздан орққ бўлиб, йил бўйича 9,5% ни ташкил этди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг асосий омил бўлиб, у санаотда ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,1% га, ўзлаштирилган инвестицияларнинг — 22,9% га, қурилиш-пудрат ишларининг — 15,7% га,

пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг — 20,6% га ўсишини таъминлади. Бунда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръати — 6,1% даражасида сақлаб қолинди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли даромадларининг ўсиши чакана савдо айланмасининг 21% га ошишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий қўрсаткичлари (Ўтган йилга нисбатан фoиз ўсатилади)

Кўрсаткичлар номи	2006 йил	2007 йил
Ялпи ички маҳсулот	107,3	109,5
Саноат маҳсулотлари ҳажми	110,8	112,1
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	120,6	118,8
Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари	106,7	106,1
Асосий капиталга инвестициялар	109,1	122,9
Қурилиш ишлари	112,8	115,7
Чакана савдо айланмаси	114,8	121,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,3	120,6

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Учкудук туман ҳокимлиги туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларини фаоллари ташаббуси билан жорий йилнинг март ойида «Обод Учкудук—энг тоза шаҳар» ойлгиги ўтказиш бўйича фармойиш қабул қилди. Мазкур тадбир «Шимол овози—Голос севера» номли маънавий-маърифий кўрик-танлов билан якунланади.

• Тошкентда «Болажонлар, ширинтойлар» болалар модаси фестивали бошланди. Болалар либосларининг ўзига хос жиҳатлари ва йўналишлари намойиш этилаётган ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармаси ҳамда «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

• «Пешкутек» Ўзбекистон—Беларусь қўша қорхонасида Швейцариянинг «Ристер», Италиянинг «Тиссилмэк» компанияларининг замонавий дастгоҳлари келтириб ўрнатилиши тўғрисида ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга ошиб, 18 та қўшимча иш ўрни юзга келди.

• Кеча Тошкентдаги Мухтор Ашрафий номидаги уй-музейида Ўзбекистон халқ рассоми, академики, профессор Баҳодир Жалоловнинг 60 ёшга тўлишига бағишланган юбилей кўрғазмаси очилди.

• «Жарқўрган тумани машина-трактор парк» акциядорлик жамиятидаги мавжуд 242 та чопиқ трактори, 190 та култиватор ва бошқа қишлоқ ҳўжалик техникалари сифатли таъмирлан чикарилди. Ҳозирда фермерлар мавжуд ерларини текислаб, эгат тортиб, чигит экишга қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

• «Туркистон» саройида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган аънавий «Кувноқлар ва зукколар» танлови саралаш турнирининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Австриянинг Вена шаҳрида атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бош Кенгашининг сессияси иш бошлади. Ёпиқ эшик ортида ўтаётган форумда 35 мамлакат вакиллари 2007 йил ядро хавфсизлиги масаласи, 2008 йил агентлигининг ядро фани, технологияси ва истеъмолга тааллуқли режаларини кўриб чиқади.

• Кеча Эрон Президенти Махмуд Аҳмади Нахотнинг 30 йилдан буён илк бор Ироққа қилган икки кунлик ташрифи якунланди. Ташриф доирасида ҳар икки мамлакат ўртасида таълим, божхона, транспорт соҳаларида ҳамкорлик юзасидан битимлар имзоланди.

• Колумбия армиясининг Эквадор чеғарасида ўтказган операциясидан сўнғ Эквадор ҳукумати Колумбиядаги элчисини чақириб олди.

• Кеча Жанубий Кореянинг катта қисмини тоқсин моддаларидан иборат қумли довул босди. Бу довул таркибида огир металл қуқунлари ва бир қанча зарарли моддалар мавжуд бўлиб, мамлакатда хавфсизлик чораларни кўриш мақсадида мактаблар ва катор ташкилотлар вақтинчалик ёпиб қўйилди.

• Кеча Россиянинг «Газпром» компанияси тўловларнинг вақтида амалга оширилмагани учун Украинага газ узатишни 25 фоизга қисқартирди. Ушбу муҳим масала юзасидан ҳар иккала мамлакат президентлари ўртасида телефон орқали мулоқот ҳам бўлиб ўтди.

• Кеча Непал пойтахти Катмандудан 100 километрча нарида жойлашган ҳудудда БМТга тегишли бўлган «Ми-8» русумли вертолёт ҳалокатга учради. Вертолёт бортидаги барча 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Макрониктисодий барқарорлик, солиқ сис-
темининг эркинлаштирилиши, молия-банк
тизимини ислохотларнинг чуқурлаштири-
лиши ҳужалик юритувчи субъектларнинг иш-
лаб чиқариш фаолиятини яқиништириш
курсади ва иқтисодиётдаги молиявий маб-
лағларнинг янада самарали тақсимланиши-
га кўмаклашди. Натижада солиқ юки ка-
майтирилганига қарамай, бюджетга тушум-
лар бўйича прогнозлар 2,6% ортириш билан
бажарилди. Давлат бюджетини ЯИМга нисба-
тан 1,1% профицит билан икром этилди.
Республиканинг барча ҳудудларида давлат
бюджетини ижросининг газначилик тизимини
жорий этиш яқунланди.

Молия-банк тизимини ислохотлар
қўламини янада кенгайтириш мақсадида
тижорат банкларининг устав фондлари оши-
рилди ва уларнинг инвестициявий жараён-
лардаги роли кучайтирилди. 2007 йилнинг
бошига нисбатан тижорат банкларининг умумий
сармояси 40% дан ортиқ, иқтисодиётнинг
реал секторига кредит қўйилмаган эса
16,2% га, аҳолининг тижорат банкларидаги
омонатлари қолдиқлари 46,6% га кўпайди.
Молия-банк хизматларининг умумий ҳажми
23,8% га ортиди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш-
нинг юқори суръати (18,8%) истеъмол бо-
зорида ички мутаносибликни таъминлади.
Мамлакат тўлов балансининг барқарор-
лиги товарлар ва хизматлар экспортининг
юқори суръати орқали таъминланди. Бу суръат
2006 йилга нисбатан 40,7% га ошди.
Экспортнинг ўсиши асосан таъйир маҳсулот
экспорти қўлайтириш ҳисобидан таъминланди,
унинг улushi экспортнинг умумий тар-
кибида 38% ни ташкил этди.

Жадвал ўсиш суръатлари машина ва жи-
хазлар (1,5 баравар), кимё маҳсулотлари (1,6
баравар), доривор воситалар (1,5 баравар),
қурилиш материаллари (2,2 баравар), мева-
сабзавотлар (1,6 баравар), хизматлар (1,2
баравар) экспортида кузатилди.

II. Иқтисодиётни қайта тузиш ва модернизациялаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик янгиллаш, чет эл инвестицияларини, биринчи навбатда, тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш ишларини ҳар томонлама кўчатириш

2007 йилда инвестицияларнинг юқори
ўсиш суръати 2006 йилга нисбатан кор-
хоналарнинг ўзи маблағлари 21,9% га, тижорат
банклари кредитлари — 13,2% га, ҳукумат
кафолати остидаги хорижий инвестициялар
— 23,6% га, тўғридан-тўғри чет эл инвести-
циялари — 56,5% га кўпайиши орқали таъ-
минланди. Аҳолининг ўй-ғой қурилишига
сарфланган маблағлари 14,2% га кўпайди.
Узлаштирилган инвестицияларнинг умумий
ҳажмидан (5479,7 млрд.сўм) ишлаб чи-
қариш секторига 70,1% (2006 йилда
68,3%), шу жумладан, техник ва технологик
модернизациялашга — 49% йўналтирилди.
Инвестицияларнинг энг кўп ҳажми ёқил-
энергетика комплексини (20,4%), транспорт
ва алоқа (22,8%), рангли ва қора металлур-
гия (6,5%), енгил саноатдаги (2,7%) лойи-
ҳаларга йўналтирилди.

2007 йилда Инвестиция дастури доира-
сида чет эл сармоялари, корхоналарнинг
ўзи маблағлари, Тикланиш ва тараққийот
жамғармаси маблағлари ҳисобидан иқтисоди-
ётнинг турли соҳаларида 300 дан зиёд йи-
риқ инвестициявий лойиҳаларнинг амалга
оширилиши яқунланди. Хусусан, Зеварда
қонида компрессор станцияси, Қўдумалоқ
қониди йўлдагу газларни утиллатириш
бўйича учта мослама, Газли-Саримой газ
қуви, Шимолий Ғузор, Шимолий Нишон,
Қамачи, Бешкент, Шахарбулоқ нефть ва газ
қонлари, 184 км. электр узатиш линиялари
ва бошқа объектлар ишга туширилди.
Мамлакатимиз, айниқса, унинг жанубий
ҳудудлари ривожланишида стратегик аҳамият
га эга бўлган 223 км.ик Тошгузар-
Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ишга туши-
рилди. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт
реконструкция қилинди.

Резаксий сув ombори қурилиши тугалланди,
объект оқвақт санатига тегишли 124 та
объект, енгил ва тўқимачилик санатига 51
та объект фойдаланишига топширилди.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш
ишларини ҳар томонлама кўчатири-
лиши натижада тўғридан-тўғри чет эл
инвестициялари ишторикидаги 23 та объект
ишга туширилди. Узлаштирилган чет эл
инвестицияларининг ҳажми 1 млрд. доллар-
дан ошди, 2006 йилга нисбатан 58% га
ўшди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри ин-
вестициялардир.

Утан йил давомида **10 та энг муҳим**
саноат тармоғи ва йирик корхоналарни
модернизациялаш ва технологик янги-
лаш дастури амалга оширилиши бошланди.
“Узпактасаноат”, “ЕҒмойзиковқатсанот”
уюшмалари корхоналари, “Узқурилиш-
материаллари” АК, “Узқимёсанот” ДАК,
“Узавтосаноат”, “Узбекангилсаноат” ДАК,
“Узфармасаноат” ДАК, Олмалик кон-метал-
лургия қўшма икмони, Навоий кон-металлургия
қўшма икмони, “Узметкомбинат” АИБ шулар
жумласидандир.

Пахта тозалаш саноатига қарашли 7
та пахта тозалаш заводи реконструкцияси
ва техник қайта жиҳазланиши яқунланди,
уларда ишлаб чиқариладиган тола ҳажми
ошди, маҳсулот сифати яхшиланди ва меҳнат
самарадорлиги ортиди.

ЕҒ-мў саноати корхоналарида 16 та
экстракция ва 5 та қадқоқлаш линияси ўрна-
тилди, шунингдек, 21 та корхонанинг фор-
пресс жиҳазлари модернизацияси амалга
оширилди.

Қурилиш материаллари саноатида
цементни қадқоқлаш линиясини ўрнатиш,
курук қурилиш ағдарашини ва санитария-
техник керамикани ишлаб чиқариш бўй-
ича 3 та лойиҳа яқунланди. Цемент ишлаб
чиқарувчи айланувчи печлар замонавийлаш-
тирилди ва янги шифер ишлаб чиқариш қу-
ватлари ташкил этилди.

Натижада 2007 йилда тармоқдаги кор-

хоналар томонидан цемент ишлаб чиқариш
8,2% га, шифер — 20,7% , безак плиткала-
ри — 11,3%, деворга ишлатиладиган мате-
риаллар ҳажми — 29,4% га ортиди.

Кимё саноатида ацетилен ажратиби
олиши, газ чиқиндиларини утиллатириш,
хлорли водород ва тузли ишкор синтези
бўйича замонавий технологиялар жорий
этилди, цехлар модернизация қилинди ва
сульфат аммония ишлаб чиқариш ўзлаш-
тирилди. Амалга оширилган ишлар натижа-
сида тармок корхоналарида минерал ўғит-
лар ишлаб чиқариш ҳажми натурал шаклда
8,6% га, кимёвий тозалар ва иллар ишлаб
чиқариш — 36,4%, синтетик кир ювиш
воситалари ишлаб чиқариш — 36,1% га ор-
тиди.

Кора металлургияда металл қўзиш у-
частқасини кенгайтириш, катанка ва арматура
профиллари, пайвандлаш электродларини
ишлаб чиқариш бўйича 3 та лойиҳа яқун-
ланди.

Тўқимачилик саноатида техник модер-
низациялаш натижасида 37 та корхона ма-
хсулот ишлаб чиқара бошлади. Тармоқда тай-
ёр махсулот улushi (тиктилган, трикотаж ма-
хсулотлар ва х.э.) умумий ишлаб чиқариш
ҳажмининг 34,2% ни ташкил этди ва 2006
йилдаги кўрсаткичга нисбатан (32,7%) ор-
тиди.

Ахборот-коммуникация технологиялари
ривожлантиришга қаратилган
чора-тадбирларнинг амалга оширилиши
Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича
хизмат кўрсатувчи ҳужалик юритувчи суб-
ъектлар сонини 2006 йилдаги 680 тага нисба-
тан 781 тага етказиш имконини берди. Ин-
тернет тармоғидан фойдаланувчилар со-
ни

Кўрсаткичлар номи	2006 йил	2007 йил
Саноат, жами	110,8	112,1
шу жумладан:		
электр энергетика	106,1	101,9
ёқилга	105,9	110,1
қора металлургия	111,0	112,7
рангли металлургия	99,1	101,3
кимё ва нефть-кимё	119,6	118,4
машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш	125,7	129,0
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш,		
целлюлоза-қоғоз	118,4	136,1
қурилиш материаллари	112,2	114,5
енгил саноат	108,2	108,6
озик-овқат саноати	128,0	114,7
бошқа тармоқлар	120,7	118,5

2,01 млн., мобил алоқа хизматидан фойда-
ланувчилар сони 5,9 млн. кишини ташкил
этиди.

2007 йил давомида маълумотлар узатиш
инфраузими фаол ривожланди. Хусусан,
оптик талали алоқа линиялари ва расулли
радиорелейли линиялар узунлиги 10,75
минг км.гача ортиди.

2007 йилда Маҳаллийлаштириш да-
стури доирасида 162 та корхонада 270 та
лоийҳа бўйича маҳаллийлаштирилган мах-
сулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу
борада 2006 йилга нисбатан ишлаб чиқари-
ш ҳажми 1,5 баравар ўсди.

Автомобиль йўлларини қуриш, рекон-
струкция қилиш ва таъмирлаш бўйича
таъминланган дастурлар мувофиқ 2007
йилда 245 километр узунликдаги халқаро
ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдала-
ниш автомобиль йўллари, 156 погон метр
узунликдаги 1 та кўприк ва 464 погон метр
узунликдаги 1 та йўл ўтказиқ реконструк-
ция қилинди.

Кишлоқ ҳўжалигида тузилмавий ис-
лохотларни чуқурлаштириш натижасида
2007 йилда кишлоқ ҳўжалиги ялли махсу-
лоти 106,1 фоизни ташкил этди. Утан йил-
дагига нисбатан пахта (103,2 фоиз), кар-
тошка (116,4 фоиз), сабзавот (108,8 фоиз),
полиэ маҳсулотлари (112,9 фоиз), меза
(107,3 фоиз), узум (109,6 фоиз), сурва мол-
лари ва парранда (106,1 фоиз), сут (105
фоиз) ва туҳум (104,1 фоиз) етиштириш ор-
тиди.

2007 йилда ширкатларни фермер ҳўжа-
ликларига айналтириш жараёни деярли яқун-
ланди. 329 ширкат ҳўжалиги неғизида 25
мингдан ортиқ фермер ҳўжалиғи ташкил
этилди. Янги ташкил этилган фермер ҳўжа-
ликларига 604,3 миң гектардан зиёд ер
бирктирилди. 2008 йил 1 январь хўлатига
қўра, фаолият юритаётган фермер ҳўжа-
ликларининг умумий сони 217,1 миңга таш-
кил этди. Ушбу ҳўжаликларнинг ихтиёрига
5787,8 миң гектар ер берилган бўлиб, улар-
да 1621,4 миң нафар ишчи меҳнат қилмоқ-
да.

Фермер ҳўжаликларининг фаолиятини
ташкил этиш учун қўлай шарт-шароит
яратиш мақсадида кишлоқ ҳўжалигининг базор
инфраузими объектларини ривожланти-
ришга доир кенг қўламли чора-тадбирлар
қўрилди. 2007 йилда 5057,9 километрлик
ҳўжаликларро ирригация ва 7608,9 кило-
метрлик ҳўжаликларро коллектор-дренаж
тармоқлари тозаланди. 4735 та гидротех-
ник ишоот таъмирланди.

Фермер ва дехкон ҳўжаликлари ҳамда
шахсий ёрдамчи ҳўжаликларида чора-
вачиликни ривожлантириш дастурининг
амалга оширилиши натижасида 2006 йилга
нисбатан қорамоллар сони 5,9 фоизга ошди.

Кишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва
кўп болали оилаларга хомийлар маблағлари
ҳисобидан 55,6 миң боғ қорамол бегул
берилди, тижорат банклари томонидан 44,3
миллиард сўм миқдорда имтиёзли микро-
кредитлар ажратилди, махсус ички ошди сав-
додари орқали 20,1 миң бош эшдор қора-
мол сотилди, шунингдек, 357,4 миң нафар
фўқаро учун меҳнат дафтарчаси очилди ёки
уларда тегишли ёзувлар қайт этилди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни
ривожлантириш дастурлари доирасида
2007 йилда мева-сабзавотчилик ва узумчи-
лик ширкатларини ихтисослашган фермер
ҳўжаликлари айналтириш, базор ва ишлаб
чиқариш инфраузими объектларини
ташкил этиш, боғдорчилик ва узумчилик фер-
мер ҳўжаликларида солиқ имтиёзларини бе-
риш бўйича чора-тадбирлар амалга оширил-
ди.

Кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чи-
қарувчилари ва қайта ишлайдиган корхона-

лар ўртасидаги кооперацияни ташкил этиш
учун жойларда 200 дан ортиқ агрофирмалар
фаолият кўрсатмоқда.

III. Бизнес, аввало, хўсўсий бизнесни ривожлантириш учун қўлай шароит яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини босқичма-босқич камайитриш

2007 йилда **Хўсўсийлаштириш дасту-**
рини бажариш давомида дастурда кўзда ту-
тилган 359 та ўрнига 408 та давлат корхона-
си, объектлари ва акциялар пакетлари со-
тилди, шу жумладан Давлат тендер комис-
сиясининг қарорига мувофиқ 28 та биржа,
аўкцион ва танлов савдоларида 365 та
объект, 15 та корхона ва объект нолга тенг
қиймат бўйича инвесторларга инвестициявий
мажбуриятлар олинган ҳолда сотилди. Кор-
хоналар томонидан сотилган акциялар па-
кетлари орасида энг йириклари “Қўкон су-
перфосфат заводи” ОАЖ (82,5 фоиз), “Са-
марқанд лифтсозлик заводи” (75 фоиз),
“Электрумисаноат” (49 фоиз), “Аммофос” (49
фоиз), “Йўлнефттранс” (47 фоиз) ва бошқа-
лардир. 631 та давлат корхонаси нодавлат
мулкчилик шаклига ўтди, уларнинг 93 фоиз
хўсўсий мулкдорлар томонидан тулик со-
тиб олинди.

Нодавлат сектори ишлаб чиқариши ҳаж-
мининг ялли ички маҳсулотдаги улushi 2006
йилдаги 78,2 фоиз ўрнига 79,3 фоизни таш-
кил этди. 2007 йил мобайнида **иқтисодиий**
ночор корхоналарни молиявий соғло-

лаштириш бо-
расидаги чора-
тадбирларни
амалга ошириш
натижасида 268
та корхонанинг
техник модерни-
зация қилиш ва
ишлаб чиқари-
шини қайта тик-
лаш дастури
амалга оширила
бошлади. Улар-
дан 143 тасида
ишлаб чиқариш
ҳажмининг оши-
ришга эришилди,
198 та кор-
хонада уларни
янги мулкдор-
ларга сотиш ёки
туловга лаёқатли-
лиги қайта тик-
лангани сабабли банкротлик ишлари туга-
тилди.

2007 йил яқунлари бўйича ҳўжалик юри-
тувчи субъектларда назорат органлари то-
монидан амалга оширилаётган текширувлар
сонини 1791 тага камайди. Ўтказилган текши-
рувларнинг 62,6 фоизи режалар текширу-
влар ва 37,4 фоизи режалар ташқари текши-
рувларга тўғри келади.

IV. Кичик бизнес ва тадбиркорлиқни жадвал ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги масаласини ҳал этиш

Ҳисобот даврида ҳукумат саяё-харакатла-
ри **кичик бизнес ва тадбиркорлиқни жа-**
дал ривожлантиришнинг ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бан-
длиги масаласини ҳал этиш ҳамда
фаровонликни оширишга қаратилди. Кичик
корхоналар ва микрофирмалар учун ягона
солиқ туловининг 13 фоиздан 10 фоизгача
камайитрилиши, янги тадбиркорлик суб-
ъектларини ташкил этиш ва бизнес йўналиши-
ни ўзгартираётган тадбиркорлик субъектла-
рини тугатиш жараёнини тартибга солиш,
содаллаштириш ва арзонлаштириш ишба-
рмончилик муҳитини сезиларли равишда ях-
шилаш имконини берди.

Натижада, рўйхатга олинган кичик тадбир-
корлик корхоналарининг умумий сони 422,3
миңгани ташкил этди ёки 2006 йилги кўрсат-
кичга нисбатан 9,9 фоизга кўпайди. Бунда
рўйхатга олинган корхоналар умумий сони-
да фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркор-
лик корхоналарининг улushi 2,7 фоизга ошди
ва 92,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотда-
ги улushi 2006 йилдаги 42,1 фоиз ўрнига
45,7 фоизни ташкил этди, маҳсулот (ишлар,
хизматлар) экспортидаги улushi 10,7 фоиз-
дан 14,8 фоизга ўшди.

**Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси-
ни ривожлантириш дастури**ни амалга
ошириш ҳам кичик бизнесни ривожланти-
ришда муҳим омил бўлди. 2007 йилда хиз-
мат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривож-
лантириш дастурини босқичма-босқич амалга
ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2006
йилга нисбатан 26,6 фоизга, жумладан
аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 20,6 фо-
изга ошди.

Таҳлил этилаётган даврда савдо ва маий-
ш хизмат кўрсатиш соҳасида 9443 та сав-
до дўкони, умумий оқватланиш корхона-
лари, устоналар ва бошқа объектлар ташкил
этилди.

Алоқа, ахборотлаштириш, автомобиллар ва
бошқа техникаларни таъмирлаш, меҳмонхо-
на ва молия хизматлари ҳажми юқори суръ-
тада ўсди. Иктомий аҳамиятга эга тебиёий
хизматлари турлари, таълим, маданият, жи-
соний тарбия ва спорт соҳаларида, шунинг-
дек, дехкон ва фермер ҳўжаликларига хиз-
мат кўрсатиш ҳажми 42,5 фоизга ортиди.
Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш
ялли ички маҳсулотга ушбу соҳанинг ул-
шини 42,5 фоизга етказиш имконини берди.

Бандликни таъминлашга йўналтирилган
янги иш ўринларини ташкил этиш бўй-
ича **худудий дастурларни амалга ошириш**
давомида 630 миңдан ортиқ янги иш ўри-
нлари яратилди. Уларнинг 154,8 миңтаси ки-
чик корхоналар, 106,2 миңтаси юридик шахс

бўлмаган хўсўсий тадбиркорлик соҳасида,
72,9 миңтаси фермер ҳўжаликларида таш-
кил этилди.

2007 йилда **касаначили**к орқали иш
ўринларини ташкил этаётган ҳўжалик юри-
тувчи субъектлар учун имтиёзларининг жорий
этилиши, касаначиликни ташкил этиш ва кен-
гайтиришининг самарали шакллари татиби
этиш масалалари бўйича фаол тушунтириш
ишлари олиб борилгани натижасида 212,1
миңта иш ўрни, жумладан қорхоналар билан
тузилган шартномалар бўйича касаначи-
ликка асосланган 106 миңта иш ўрни таш-
кил этилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида
200 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этил-
ди (ташкил этилган иш ўринлари умумий со-
нининг 32 фоизи).
2008 йилнинг 1 январь хўлатига қўра,
фермер ва дехкон ҳўжаликлари ҳамда
шахсий ёрдамчи ҳўжаликларида қорамол
боқиб билан банд сифатида рўйхатга
олинган фўқароларнинг умумий сони 1,1
миллион кишини ташкил этди.
Меҳнат базориди фаол сийосат юритиш
аҳоли бандлиги даражасини 2,6 фоизга оши-
риш имконини берди, иш билан бандлар
сонини 268,4 миң нафарга кўпайтиб, 10,7 мил-
лион нафардан ортиқ кишини ташкил қилди.
Нодавлат секторда иш билан банд бўлган-
лар улushi 0,3 фоизга ошди ва 77,9 фоизни
ташкил этди.

V. Қўмонал соҳадаги ислохотлар

Йил давомида кўп хонадонли ўй-ғой фон-
дини бошқариш тизимини янада тақомил-
лаштиришга доир чора-тадбирлар қўрилди.
Фаолият кўрсатаётган хўсўсий УМШлар сони
4460 тага кўпайди. Йил бошида эса бу кўрсат-
кич 3897 тани ташкил этган эди. 1991 йил-
гача қурилган 2399 та кўп хонадонли ўй қа-
питал таъмирланди. Кишлоқ жойларда 1641,6
километр сув қувурлари ва 710,7 километр
газ қувурлари тармоғи ишга туширилди. 236
та кишлоқ аҳоли пункти сифатли ичимлик
суви билан таъминланди.

Замонавий ўлнов приборлари ва ресурс
тежайдиган технологияларни жорий этиш да-
стури доирасида 2007 йилда 376 миңта
сув оқув ва 257,3 миңта иссиқ сув ҳажмининг
ўлчайдиган приборлар ўрнатилди. Бу эса шун-
дай приборлар билан таъминланган даража-
сини 38,3 фоизга кўпайтириш имконини бер-
ди. Йил бошида бу кўрсаткич 26,5 фоизни
ташкил этган эди.

VI. Аҳоли меҳнати га ҳақ тўлаш ва турмуш даражасини изчиллик билан оширишни таъминлаш. Устувор ижтимоий дастурларни амалга ошириш


Иқтисодиёт ва аҳоли бандлигининг юқори
суръатда ўсиши, аҳолининг иктомий муҳофа-
за қилиш самарадорлигини оширишга қаратил-
ган мақсадли чора-тадбирлар **аҳоли да-**
ражасини изчиллик билан оширишни
таъминлади. Иш ҳақи, пенсиялар, стипен-
диялар ва нафаклар миқдори 1,5 бараварга
ошди. Уртача ойлик иш ҳақи 2006 йилга нисба-
тан 47,2 фоизга ўшди ва 2007 йил охирида
210 АҚШ доллари га тенг миқдорни ташкил
этиди. **Аҳолининг реал пул дарамади** бир
йилда 27 фоиздан кўпроққа ошди.

Аҳолининг ўй-ғой-қўмонал соҳа объек-
тларидан фойдаланишини яхшилаш бўйича
қўрилган чора-тадбирлар унинг турмуш си-
фатини яхшилашга ёрдам берди. Бунда сув
таъминоти даражаси 84 фоиз (шу жумладан,
кишлоқда 77 фоиз), газ билан таъминлаш
82 фоизга (жумладан, кишлоқда 77 фоиз)
ётказилди. Жойларда ёш оилаларни ўй-ғой
билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган да-
стурларга мувофиқ 46 та ўй-ғой қурилиши
бошланди.

Таълим, соғлиқни сақлаш тизими, бо-
лалар спорти ва ижтимоий инфратузун-
нинг моддий-техника базасини мус-
таҳкамлаш доирасида ўтан йили 336 миң
нафар ўқувчи мўлжалланган 169 та касб-
нафар коллежи, 18 та академик лицей ва
558 та умумтаълим мактаби фойдаланишига
топширилди.

Аҳолини тиббий хизмат кўрсатиш билан
янада кенг қамраб олиш учун 37 кишлоқ
врачлик пункти, 2310 қабулга мўлжалланган
4 та поликлиника, 1,9 миң километр сув,
774,5 километр газ тармоғи, 6,96 миллион
квадрат метр турар жой ва 170 та болалар
спорти ва бошқа объектлар ишга туширил-
ди.

**“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат да-
стури**ни амалга ошириш



СУРАТДА: Москванинг Лужники стадионида XXII Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши.

Москва XXII Олимпиада ўйинларини қабул қилиш шарафига муяссар бўлиши билан мамлакат ҳукумати ўз тузуми афзаллигини намойиш қилиш мақсадида жаҳон спортининг бу улкан байрами ҳар қачонгидан ҳам кенг қўламда ва тантанавор ўтиши учун ҳамма чора-тадбирларни қўришга киришди. Собиқ иттифоқ пойтахтини ободонлаштириш, янги-янги спорт иншоотларини барпо этиш учун маблағ аямлади.

Бироқ Халқаро Олимпия Кўмитаси қатъият кўрсатмаганида бу барча саъй-ҳаракатлар зое кетиши мумкин эди. Чунки Америка Қўшма Штатлари 1979 йилда совет кўшиклари Афғонистонга киритилиши муносабати билан Москвани Олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум этишга қаратилган исми қўрилган тарғибот кампаниясини бошлаб юборди. АҚШ Президенти Ж. Картер ўз мамлакатини Миллий олимпия кўмитасини тўғридан-тўғри Москва Олимпиадасини бойкот қилишга чақирди. Афсуски, ўттизга яқин мамлакат, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси, Япония, Германия Федератив Республикаси каби йirik давлатлар миллий олимпия кўмиталари Америка Қўшма Штатлари ташвиқотида қўшилиши.

"Соғуқ уруш" жазаси авжига чиққан шундай сиёсий танглик вазиятида ХОҚ ўз қарорини ўзгартирмагани қатъий баён этди. Халқаро Олимпия Кўмитасининг 1980 йил июль ойида бўлиб ўтган 83-сессиясида, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўрилди. 60 ёшли Хуан Антонио Самаранч ХОҚнинг еттинчи президенти этиб сайланди.

Ёшлигида бокс, айниқса роликли коньки билан фаол шугулланган Самаранч университетнинг тижорат факультетини тугаллаганидан сўнг бизнес ишларини спорт устози вазифаси билан қўшиб олиб борди. Унинг раҳбарлигида Испаниянинг роликли коньки бўйича хоккей терма жамоаси жаҳон чемпиони ҳам бўлган.

Хуан Антонио Самаранч кейинчалик Барселона шаҳри маъмуриятида масъул лавозимда ишлади. 1963 йилда Испания спорт олий кенгаши раҳбари этиб сайланди. У 1966 йилдан ХОҚ таркибига кириб, 1970 йилда ХОҚ Ижроия кўмитаси аъзоси, 1974 йилдан эса Халқаро Олимпия Кўмитаси вице-президенти этиб сайланган эди. Самаранч 1977-1979 йилларда Испаниянинг Собиқ иттифоқдаги элчиси ҳам бўлган.

АҚШ бошчилигидаги бир қатор мамлакатларнинг Москва Олимпиадасини бойкот қилишлари оқибатида йигирма биринчи Олимпиада ўйинларининг иштирокчилари Монреаль ва Мюнхенда ўтказилган ўйинлардан бироз камроқ — 5748 спортчини, шу жумладан 1124 аёлни ташкил этди. Аммо бу унинг спорт натижаларига у қадар катта таъсир кўрсатмади. Москвадаги мусобақаларда 76 та олимпия, шу жумладан 36 та жаҳон рекорди ўрнатилганлиги худди шундан далолат беради.

Лужники стадионидаги олимпия машъаласини ёндириш шарафи Олимпиада чемпиони Сергей Белова берилди. Спортчилар номидан афсонавий гимнастикани Николай Андрианов, ҳакамлар ва расмий шахслар номидан кураш бўйича Олимпиада чемпиони Александр Медведь қасамёд қилдилар.

Олимпия ва жаҳон рекордларини янгилашни одатдагидек енгил атле-

тикачилар бошлаб бердилар. Юрий Седих томонидан улоқтирилган босқон 81 метр 80 сантиметрга бориб тушди. ГДРлик Герд Вессинг баландликка сакрашда 2 метр 36 сантиметрни забт этди. Польшалик Владислав Казакевич лангар билан 5 метр 78 сантиметр баландликка сакради.

Москванинг Крилатский мавзесида барпо этилган олимпиада треки "рекордлар зарбонаси" таърифиغا сазовор бўлди. Бу бежиз эмаслигидан мазкур трекада велосипедчилар аввалги жаҳон рекорди натижасини 41 марта ўзгартира олганликлари яққол далолат беради. Улар қаторида ўзбекистонлик велосипедчи Александр Панфилов ҳам бор. У жойидан туриб 1000 метрга гитда 1 дақиқа 04, 845 сония натижа кўрсатди. Бу жаҳон рекордидан юқорида тезлик эди. Аммо ана шундай юксак кўрсаткич ҳам унга Олимпиада ўйинларида фақат иккинчи ўринни олиш имконини берди. Александр Сирдарёв қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникасида ўқиб юрган кезлари устози

ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА СПОРТ ҒАЛАБАСИ

Э. Турсунбоев бошчилигида велосипед спорти билан шугуллана бошлаганди. Сўнг у ҳарбий спорт клуби таркибига иттифоқ ва халқаро мусобақаларда катта муваффақият билан иштирок этиб келди.

Йигирма иккинчи Олимпиада ўйинларида Собиқ иттифоқ терма жамоалари таркибига 16 ўзбекистонлик спортчи киритилган эди. Улар 4 та олтин, 5та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритдилар. Жумладан, Эркин Шагаев сув тўпи, Тошкентнинг "Автомобилист" жамоаси ўйинчиси Лариса Павлова волейбол, Ольга Зубарева эса кўл тўпи бўйича терма жамоа сафига Олимпиада чемпиони бўлдилар.

Москва Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилардан Тошкентнинг "Спартак" жамияти аъзоси Юрий Ковшов, айниқса катта ютуққа эришди. У белорус Виктор Угрюмов, украинalik Вера Милевич билан бирга от спорти бўйича жамоа биринчилигида олтин медал билан тақдирланди. Шахсий биринчиликда эса у 1588 очко билан фахрий шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Собир Рўзиев эса қиличбозлик бўйича жамоа биринчилигида украинalik Владимир Смирнов, белоруссиялик Александр Романов ва Владимир Лапицкий билан бирга рапирада кумуш медал соҳиби бўлди. Биринчи ўрин эса Франция қиличбозларига насиб этди. Умуман спортнинг бу турида узок йиллар давомида пешқадамлик қилиб, кейин мавқеларини бериб қўйган французлар Москва Олимпиадасида 4 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, бежиз мушкетёрлар ватанидан эмасликларини намойиш этдилар.

Ёғи ўйинлар дастурдаги ўқ отиш мусобақалари ҳам кескинлиги билан ажралиб турди. Европа кубоги соҳиби бўлган ўзбекистонлик Рустам Ямбулатов аксарият ҳолларда 25 имкониятдан 25 очко олиши билан ном чиқарганди. Лекин Москва Олимпиадасида беллашувларнинг биринчи кунини мўлжалли уч марта хато кетиб, тўртинчи ўринга тушиб қолди. Аммо иккинчи кунини у бутун иродасини ишга солиб, кумуш медални қўлга киритишга эришди.

Ўзбекистонлик Олимпиада ўйинларининг яна бир кумуш совриндори Наталья Бутузова камондан отишда жамоадоши Кетеван Лосаберидзе билан мурасида кураш олиб борди. Бироқ чемпионликни қўлга киритиш учун унга ўн тўрт очко етмади.

Олимпиада ўйинлари дастурдаги чим устида хоккей Собиқ итти-

фоқда ҳам оммалаштирила бошланган йиллари андижонлик қизлар спортнинг бу турида жуда истеъдодли эканликларини намойиш этдилар. Шунинг учун аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича совет олимпия терма жамоаси таркибига бир йўла тўрт андижонлик — Лайло Аҳмедова, Нелли Горбаткова, Валентина Заздравних ва Алина Хам киритилди. Улар олимпия турнирида учинчи ўринни олиб, бронза медаллари билан тақдирландилар.

Тошкентнинг 175-мактабида тахсил олган, жисмоний тарбия институти толибаси бўлган Татьяна Бирулина йигирма иккинчи Олимпиада ўйинлари арафасида иттифоқ мусобақаларида найзасини 70 метр 8 сантиметрга улоқтириб, жаҳон рекорди ўрнатган эди. Лекин Олимпиаданинг ўзида 65 метр 8 сантиметр

натижа билан олтинчи ўринда қолди. Ўзбекистонлик енгил атлетикачилардан Анатолий Димов, Замира Зайцева, Александр Харловлар ҳам совриндорлар сафидан жой олиш насиб этмади.

Собиқ иттифоқ гимнастикачиси Александр Дитятин бир Олимпиада ўйинларида энг кўп медалларга сазовор бўлган спортчилар. У юксак маҳорати эвазига йигирма иккинчи ўйинларда саккизта — 3 та олтин, 4 та кумуш ва битта бронза медал билан тақдирланди.

Унинг жамоадоши сузувчи Владимир Сальников ҳам Москва Олимпиадаси қаҳрамонларидан ҳисобланади. У эркин усулда сузишда 1500 метр масофага бериб ўтиш учун жаҳонда биринчи бўлиб 15 дақиқадан кам вақт сарфлади. Эртасига у 4x200 метрга эстафетада жамоадошлари билан голиб чикди. Яна бир кундан сўнг эса 400 метрга сузишда ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келиб, уч кунда учта олтин медални қўлга киритди.

Москва Олимпиадасида бошқа давлатлар спортчилари ҳам оламшумул натижаларга эришдилар. Кубалик боксчилар олтин медал соҳиби бўлдилар. Уларнинг етакчиси Теофило Стивенсон учун бу кетмакет учинчи Олимпиаданинг олтин нишон эди.

Эфиопиялик Мидус Иортер 5000 ва 10000 метрга югуришда рақибларига бирор имконият қолдирмади. Германия Демократик Республикасида Вольдемар Церпински аввалги Монреаль ўйинларидаги ютугини такрорлаб, маррафонда икки карра Олимпиада чемпиони сифатида спорт тарихидан ўрин олди.

Рекордларни назарписанд қилмасликда оғир атлетикачилар ҳаммага ибрат бўлдилар. Улар Москвадаги мусобақаларда 23 та олимпия, шу жумладан 13 та жаҳон рекордини янгиладилар. Айниқса, кубалик Даниэль Нуньес, болгариялик Янко Русев, Собиқ иттифоқдан Леонид Тараненко, Юрий Варданян кўрсатган натижалар ҳайратланарли эди.

Москва Олимпиадаси атрофидаги турли сиёсий курашлар, мафкуравий хуружларга қарамадан олимпия руҳи барҳайтлиги, турли қитъа ва мамлакатлардаги спортчиларнинг куч, маҳоратда устунлики спорт майдонларида аниқлаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ҳоҳиш-истаги ва иродаси намоён бўлди. Бу ерда пиروвард натижада спорт ғалаба қозонди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида эса Собиқ Иттифоқ спортчиларининг устунлиги катта бўлди. Улар 195 та (80 та олтин, 69 та кумуш, 46 та бронза) медал олдилар. Собиқ ГДР иккинчи (126 та медал),

Болгария учинчи (41 та медал) ўринларни эгалладилар. 1980 йил 13-24 февраль кунлари эса АҚШнинг Лейк-Плэсид шаҳрида XIII Қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Бу ерда 49 мамлакатнинг 1283 спортчиси 38 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Мезбонлар вакили Эрик Хейденнинг коньки мусобақаларида Эришнинг натижасини таърифлашга тил оживлик қилади. У бу спорт туридаги барча масофалар — 500, 1000, 1500, 5000 ва 10000 метрга

конькида югуришда голиб чиқиб, бешта (!) олтин медал соҳиби бўлди. Тетаяо пайтидаёқ конькида муз устига чиққан Эрик 1976 йилги Қишки Олимпиадада ҳам иштирок этган эди. Бироқ ўшанда конькида 1500 метрга югуришда еттинчи, 5000 метрга эса ўн тўққизинчи ўрин билан кифояланган бу ўсмирнинг тўрт йилдан сўнг спорт оламини ларзага солиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Шуниси ҳам қизиқки, Эрик Хейден велосипед спортида профессионаллар ўртасида АҚШ чемпиони, машҳур "Тур де Франс" велопоёғаси иштирокчидир.

Лейк-Плэсид Олимпиадасида швед Карл-Эрик Эриксон Хейдендек шода-шода олтин медаллари билан мақтана олмасди. Умуман у бобслейда жамоадошлари билан жуфтлик чанада ўн тўққизинчи, тўртликда эса йигирма биринчи ўринни олди. Аммо 1980 йилда 53 ёшни уриб қўйган Эриксон олтин Олимпиада ўйинларида иштирок этган ягона спортчи эди!

Совет биатлончиси Александр Тихонов Эриксондан иккита кам — тўртта Қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этди. Аммо у шведдан фарқли равишда бу Олимпиадаларнинг ҳар бирида биттадан, хусусан Лейк-Плэсидда ҳам — жами тўртта олтин медал олди!

Унинг жамоадоши чангичи Николай Зимятов бу ердаги мусобақаларда 30 ва 50 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада голиб чиқиб, учта олтин медал билан тақдирланди. Тўрт йилдан кейин эса у яна 30 километрга чангида пойгада биринчиликни эгаллади ҳамда 4x10 километрга эстафетада кумуш медал совриндори бўлди.


Миллионлаб фигурали учиш мухлисларининг муҳаббатини қозongan Ирина Роднина ҳам Лейк-Плэсидда Қишки Олимпиадаларда учинчи олтин медалга лойиқ топилди. У ўзининг биринчи Олимпиадасида Алексей Уланов, кейингиларида Александр Зайцев билан жуфтликда юксак маҳоратини намойиш этди.

Ўн учинчи Қишки Олимпиада ўйинлари қутилмаган натижалар билан ҳам ёдда қолди. Шайбали хоккей бўйича Собиқ иттифоқ терма жамоаси зафарли юришини давом эттирарди. У сўнгги 23 учрашунинг 22 тасида голиб чиқиб, фақат бир ўйинни бой берди. Аммо шу ягона — Лейк-Плэсидда Америка университетлари ва коллежлари талабаларидан ташкил топган, айна пайтда Қишки Олимпиада турнирига жуда пухта тайёргарлик кўрган АҚШ хоккейчиларидан мағлубият уларни бу мусобақаларда ўзлари учун аънавий бўлиб қолган олтин медаллардан маҳрум этди.

Мўъжазини Лихтенштейн тоғ чангичлари эса Қишки Олимпиада дастурда энг нуфузли ҳисобланган спорт турида иккита олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлиб, роса шов-шув кўтардилар. Янада эътиборлиси, тоғ чангиси мусобақаларида бу мамлакат вакиллари қўлга киритган нишонлардан иккита олтин ва битта кумуш медал олимпиадачи аёл Ханны Венцелга, қолган биттаси Андреас Венцелга тегишли эди.

Собиқ Германия Демократик Республикасининг вакиллари спортдаги юксак натижалари билан ҳаммани лол қолдиришда давом этиб, Лейк-Плэсидда ниҳоят норасмий умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринга кўтарилдилар. Улар 154, 5 очко ва 24 та (10 та олтин, 7 тадан кумуш ва бронза) медал олдилар. Собиқ иттифоқ олимпиадачилари иккинчи, АҚШ спортчилари учинчи ўринлар билан кифояландилар.

Эркин ЭРНАЗАРОВ



СУРАТДА: йигирма иккинчи Олимпиада ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлган тошкентлик қиличбоз Собир Рўзиев.



СУРАТДА: Лейк-Плэсидда конькида югуриш бўйича эркинлик ўртасида барча олтин медалларни қўлга киритган АҚШлик Эрик Хейден.



СУРАТДА: фигурали учиш бўйича "олтин жуфтлик" — Ирина Роднина ва Александр Зайцев.



СУРАТДА: тошкентлик волейболчи, йигирма иккинчи Олимпиада ўйинларининг чемпиони Лариса Павлова.



СУРАТДА: сув полоси бўйича Олимпиада чемпиони Эркин Шагаев.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Америкада чиқадиған «Нейчер» илмий журнали ўзининг охири сонида америкалик, мисрлик ва польшалик бир гуруҳ олимлар Абу Сумбул ибодатхонасидан юз чақирим узоқликдаги қуриб қолган кўл яқинидан етти минг йиллик тарихга эга тош асрига тааллуқли йўнилмаган, лекин обидалар қуришда ишлатиладиган тошлар уюмига дуч келганликлари ҳақида ёзади. Олимларни ҳайратга солган яна бир нарсаси, тошлар орасида доира шаклидаги диаметри 4 метр шимол, жануб ва ғарб, шарқ томонларни кўрсатувчи белгилари топилган тош эди. Олимларнинг фикрича, ундан фалакит илмида турли фаллар, жумладан ёмғирли фалларнинг бошлангани аниқлашда фойдаланишган бўлишлари мумкин. Мақолада тошлар топилган бу ерлар Африка томонидан эсиб турадиган мавсумий ғарбий шамоллар таъсирида қадимда намли жойлар бўлган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги вақтинча ҳосил бўладиган қўллар бўйида кўчманчи чўпонлар подачилик қилишган кўрилади, деган фикр илгари сурилади.

● Рейтер агентлигининг хабар беришича, Голландиянинг сутчилик фермаларида сигирларни робот соғадиган бўлди. Шу янгиликни яратган ва бундай роботларни қўллаб ишлаб чиқаришга киришган «Гаскөө Мелотт Холдинг» фирмаси вакилининг айтишича, одатдаги сут соғиш аппаратларидан фарқли ўлароқ компьютер ёрдамида бошқариладиган робот молхона бўйлаб мустақил равишда юра олади ва инсоннинг ёрдамисиз жониворларни соғади. Электрон сут соғувчи ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 15 фоиз кўпайтира олади ва унинг ихдоркуларни умид қилишларича, сут чорвачилигида инкилоб қилади. Сигирларга келганда шунини айтиш керакки, улар ўзларининг янги «эгасини» маъқул қўришларини дастлабки тажрибалар кўрсатди. Жониворлар унга жуда тез одатланиб қолади, чунки у сигирларни мунтазам равишда ва ҳафсала билан соғади.

● Маълумки, кўп кишилар уйкуси бузилишидан нолишади. Шу туфайли айримлар дори ичиб, ором олишга ҳаракат қиладилар. Бироқ у танга зарар етказиши. Шарқ табобатида қадимдан тинчлантурувчи ва оғрик қолдирувчи омил сифатида хмел ўсимлигининг гули тавсия этилган. Унинг фойда беришини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлади. Бунинг учун хмел ўсимлиги майдаланади, сўнгра икки ош қошиқда олиниб, чит матодан тикилган халтачага солинади-да, оғзи тикилади. Кейин у бир неча ой ёстик остида сақланиши лозим. Шунда уйку равон ва тинч бўлади. Бу усулнинг таъсир этиш моҳияти ҳали аниқланмаган. Баъзи тахминларга кўра ўсимлик таркибидаги ўсувчи моддалар кўрпа атрофидаги ҳавони тўйинтириб, асабни тинчлантирар экан.

● Безори йўловчилар жамоат транспортига қандай зарар етказмоқда? Венгриядаги «Икарус» корхонасининг мутахассислари ҳисоблаб чиқибди, автобусларнинг бузиб, қирқиб ташланган ўриндиқларини алмаштиришга ҳар йили 30 миллион форингдан кўпроқ пул сарфланаётган экан. Хуллас жуда катта зарар етмоқда. «Икарус» автобусининг янги моделини тайёрлаган кишилар худди шундай демокдалар. Уларнинг фикрича, автобусларни зараркуанда йўловчилардан асрашнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса автобуснинг ичинини ўта мустаҳкам материаллардан тайёрлашдир. Яқинда Будапештда журналистларга ана шундай автобус намойиш қилинди. Мутахассислар янги «Икарус»лар салониға амалда шикаст етказиб бўлмади, дейишмоқда. Будапешт кўчаларида тез орада ана шундай автобусларнинг пайдо бўлиши эълон қилинди. Уларнинг оддий автобуслардан афзаллигиға йўловчиларнинг ўзлари ишонч ҳосил қиладилар. Шундан сўнг бундай автобусларни ишлаб чиқариш кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақида жамоатчилик фикри ўрғанилади.

● Миср пойтахтида бўлиб ўтган Сфинкс ҳайкалини сақлаш ва таъмирлаш муаммосига бағишланган биринчи халқаро анжуманда катта тош ҳайкали бундан тўрт ярим минг йил муқаддам Гиза яси тоғлигидаги учта катта эҳром олдиде ахлит бир қояға ўйиб ишланганлиги ҳақида сўз борди. Машҳур қиролича Клеопатра тарихда дастлабки марта уни таъмирлашга ҳаракат қилган. Лекин афсоналарга қараганда, қироличадан олдин ҳам бу иш билан шугулланишга уриниб кўришган. Яқиндагина мисрлик усталар мустақил равишда охириги марта таъмирлаш ишлари билан шугулланишган. Лекин бу иш муваффақиятсиз бўлиб чиққан эди. Хозирги цемент қоршимаси оҳақ қоясини шу даражада емириб юбордики, сфинкс нурай бошлади, ундан чанг-тўзон кўтарилалверди. Утган йил одамсимон шер елкасининг 200 килограмм келадиган катта бир бўлаги узилиб тушган эди.

●Кимёвий модда бўлган этилен ўсимликларнинг ҳаёт фаолиятларини йўлга солиб туради, меваларнинг эрта пишишини таъминлайди. Лекин этилен газ ҳолатида бўлгани учун ундан далада ёки боғда фойдаланиш жуда қийин. Унинг ўрнига тупроққа синтетик препаратлардан этрел, композилар қўшилилади. Улар ўсимлик танасига сингиб, этилен ҳосил қиладилар. Афсуски, бу сунъий моддалар жуда ҳам қиммат. Олимлар этиленнинг ўрнини босадиган арзон маҳсулот — кальций карбидини топдилар. У қўллаб мамлакатлар сановатида ишлаб чиқарилади. Ерга қуруқ ҳолида аралашган карбид дастлаб ацетилин, кейин этиленга айланади ва ўсимлик илдизига сўрилади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ошади. Бунинг устига препарат экологик жиҳатдан мутлақо зарарсиз.

● Аляскалик балиқ овлаш шикбозии Рю Гоулднинг омади қулиб бокди. Хар йили йўқозилдиган денгиздан балиқ овлаш аънавий мусобақасида унинг тузоғига оғирлиги 168 килограммлик палтус илинди. Балиқнинг узунлиги 2,5 метр бўлиб гўшти жуда мазали эди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗЎЙ ҲИҚМАТЛАР

Зулматдан чўчимас акли инсон, Зулмат ичида ҳам бор оби ҳайвон.

Хабаринг борми, бу суягинг — қафас, Жонинг — бир қуш, унинг номидир нафас.

Бу қуш гар қафасдан чиқса бир бора, Қайта тутишга ҳеч топилмас чора.

Ҳаёт бир нафасдир, ҳар дам ғанимат, Ҳар бир дамга беринг оламча қиммат.

Оламга ҳукмдор эрди Исқандар, Оламни қолдириб кетди ул қайсар.

Умрин чўзолмади бир нафас, бир дам, Бир дам учун бутун олам бериб ҳам.

Ҳар ким кетар экан, эканин олар, Ундан яхши ёки ёмон ном қолар.

Биздан сўнг ҳам кўп гул очар бу бўстон, Дўстлар ўлтиришар гул териб шодон.

Камбағалдан таомининг исин ҳам тутар йироқ, У нон еган дастурхондан қуш тополмас бир увок.

Яхши хулқ минг яхши либосдан аъло.

Қаҳр бирла қувилса ҳам уйдан Чиройлик қайга борса хурмати бор.

Кўриб Куръонда бир товус патини, Дедим: "Бу иззат ортқ сенга бисёр".

Деди: "Жим бўлки, ким эрса чиройлик, Каён борса, тўсилмас йўли зинҳор".

Гўзал юздин хуш овоз яхшироқдир, У нафас озуқаси, бу дилга роҳат.

Адоватли қарар кимга бу фалак, Не истаса, шуниг аксин кўради. Кабутар бенасиб бўлса инидини, Қазо уни тузоқ томон суради.

Хунар аҳли агар бебаҳт бўлса, Каён борса, киши билмайди номин.

Фанимни ранжитибсан, бўлма бепарво.

Билдимки, одати захар сочмоқдир, Илондан бўлмадим бир он хотиржам. Ҳунар аҳли агар бебаҳт бўлса, Каён борса, киши билмайди номин.

Мусофирга дағалдан кўргазур тик, Ҳунар аҳли агар бебаҳт бўлса, Каён борса, киши билмайди номин.

Пулсиз ус сипоҳи ажаб сўз демиди, Ботмон қучдан мошдек зар яхши эмиш.

Ов қўлмоқни истасанг ўз уйингдан чиқмаёқ, Ҳунар аҳли агар бебаҳт бўлса, Каён борса, киши билмайди номин.

Тиланчилик эшигин очса ҳар киши, То умри битгунча бўлади муҳтож. Тамасизлар боши ҳеч эгилмайди, Ҳунар аҳли агар бебаҳт бўлса, Каён борса, киши билмайди номин.

Кимнинг дастурхонидан нон еяр эсанг, Бўлмас хизматида хоҳир турмасанг.

Қулоқлар умр бўйи эшитмаса ҳам бўлғай, На чилдирма овозин, на чангу, на танбур, най. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Х.Х.Ниёзий номи Республика мусика коллежининг директор Ботир Жуманиёзович Матёкубовнинг падари бузруквори ЖУМАНИЁЗ отанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Х.Х.Ниёзий номи Республика мусика коллежи жамоаси коллеж директор Ботир Жуманиёзович Матёкубовга падари бузруквори Жуманиёз ота МАТЁКУБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тадбирлар

ОНА-ВАТАНГА САДОҚАТ

«ЕШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ИМЗОЛАНГАН ҚЎШМА ДАСТУРГА КЎРА ҲАМКОРЛИҚДА ИККИ ЙИЛДАН БУЁН «ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУСИДА ШАҲАРЧАДАГИ М.А.ВЖУД БАРЧА ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ХАЛҚ АРДОҒИДАГИ ШОИРЛАРИ ВА ЁЗУВЧИЛАР, НАШРИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА.

Куни кеча шундай ижодий учрашувлардан бири Тошкент молия институтига қарашли 1-сонли талабалар турар жойида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари шоир Туроб Ниёз, Мухиддин Омон «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти матбуот котиби Назира Хамроева ҳамда ёш қаламкаш шоир Акмал Ғаниев қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан ижодкорлар давлатимиз томонидан интилувчан, илмга чанқоқ ёшларимиз кўллаб-қувватланиб, уларнинг ўз устидларидан тинмай изланиб, илмининг юксак чуққиларини

забт этишлари учун барча имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлаб, «Ешлар йили»да ҳам ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклигини айтиб ўтишди.

Шундан сўнг талабаларнинг эътиборига она Ватани, табиятни, сўлим баҳорни ва ёшликни тараннум этувчи шеърлар ҳавола этилди.

Тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларига севимли шоирларимиздан батафсил жавоб олишди.

«Ешлик» инсон умрининг энг гўзал даври. Сиз шу даврдан унумли фойдаланиб, бор истеъдодларингизни намоён қилиб, илм чуққиларини забт этинг. Сизларга тилагим, доимо ота-онангиз, она Ватанингиз қорига хизмат қиладиган муносиб фарзанд бўлинг, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мухиддин Омон.

Тадбирни ташкил этишдан талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, ёшликнинг гўзал онларидан унумли фойдаланиш, уларнинг билиб-билмай нопок йўллارга кириб қолишларининг олдини олишдек каби хайрли мақсадлар кўзда тутилди.

Баҳоидир ХОЛМАТОВ

Футбол

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЎН ОЛТИ ЖАМОА БИРИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИДА МАЙДОНГА ТУШДИ.

Дастлабки турнинг марказий учрашувлари Тошкент шаҳрида бўлди. Утган йилги чемпион — «Пахтакор» футболчилари ўз мухлисларининг қўллаб-қувватлашлари остида Фарғонанинг «Нефчи» жамоасига қарши тўп сурди.

Беллашув мезбонлар устунлигида ўтди. Биринчи бўлимининг ўрта-ларида келиб Александр Гейрхис боши билан аниқ зарба йўллаб ҳисобни очди.

Уйнинг иккинчи ярмида «Пахтакор»нинг янги ўинчиси — черногогориялик Дарко Марокович ўзини кўрсатди. 20 ёшли марказий ярим ҳимоячи жамоадоши оширган тўпни қучли зарба билан дарвоза тўрига жўйлаб, «Пахтакор»нинг 2:0 ҳисобидида ғалабасини таъминлади.

Мавсум олдидан ўз тарихига Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етти та футболчиларини қўшиб олган «Қурувчи» (Тошкент) ва аввалги шухратини тиклашга интилаётган «Навбахор» (Наманган)

ўртасидаги баҳс ҳам муҳим учрашувлардан бири бўлди.

Ушбу учрашунинг таркиб жиҳатидан рақибга нисбатан анча қучли бўлган «Қурувчи»нинг устунлигида ўтиши кутилганди. Лекин наманганлик чарм тўп усталари Миржалол Қосимов устозлик қилган ҳолда пойтахтликларга жиддий қаршилик кўрсатишди. Бирок, Талиб Бобоов шогирдлари Тошкентдан очко олиб қайтиш насиб қилмади.

Беллашувнинг ийгирама туртинчи дақиқасида Улугбек Бақоевнинг маҳорати эвазига киритилган ягона гол «Қурувчи»га дастлабки уч очкони келтирди.

Эътиборга молик натижалардан яна бири Қарши шаҳридаги учрашувда қайд этилди. Унда совринли ўринлар учун курашнинг қучиланган кўрашлари «Қурувчи» ва «Насаф» ҳамда «Динамо» (Самарқанд) ўзаро куч синашди. Ун минтага яқин муҳлис гувоҳлигида ўтган беллашув тақдирини ўн тўққизинчи дақиқадан мезбонларнинг моҳир ҳужум-

чиси Зафар Холмуродов томонидан киритилган гол ҳал қилди.

Олий лига «мехмони» — «Олмалик кон-металлургия комбинати» ва Ғузорнинг «Шўртан» жамоалари ўртасидаги баҳс истеъдодли мураббий Игорь Шквинин Олмаликда қучли жамоа шакллантириётганини кўрсатди. Мазкур ўйинда олмаликлик Александр Дидников, Константин Канин ва Бахтиёр Тоғаев томонидан киритилган голлар эвазига 3:0 ҳисобидан зафар қучиб, олий лигадаги илк ғалабасини нишонлади.

Биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андихон» (Андихон) — «Металлург» (Бекобод) 2:0, «Қизилқум» (Зарафшон) — «Машъал» (Муборак) 0:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Локомотив» (Тошкент) 0:0, «Сўғдиёна» (Жиззах) — «ЎзДонЖу» (Андихон) 1:1.

Мусобақа жадвалида биринчи турда рақиб дарвозасига энг кўп гол киритган «Олмалик кон-металлургия комбинати» жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Лекин чемпионат медаллари учун асосан «Пахтакор», «Қурувчи», «Насаф», «Нефчи», «Динамо» ва «Машъал» каби мамлакатимизнинг етакчи жамоалари рақобатлашиши кутилмоқда.

Баҳир БЕК



Кўргазмалар

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ФОТО АСАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САЪНАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ТОШКЕНТ ГЁТЕ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «БАУХАУС ФОТО АСАРЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЯНГИ КЎРГАЗМА САЪНАТСЕВАР МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА.

(ifa) Халқаро алоқалар бўйича институт кўмағида очилган «Баухаус фото асарлари» кўргазмасида намойиш этилаётган кенг қамровли фото асарлар Баухауснинг фаолиятини ҳужжатлаштиради. Кўргазмада қирқдан ортқ фото расмоларнинг 124 та янги асарлари мавжуд. Асарлар диалогни кенглиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради, айримлари ҳаваскорлик суратларини эслатса, бошқалари профессионал даражаси билан киши диққатини ўзига тортади. Бир лаҳзаги суратлар билан бир қаторда тижорат рекламалари ҳам экспозициядан ўрин олган. Айтиш керакики, Баухаус, 1919 йилда Веймерда меъмор Вальтер Гропиус томонидан иккита ҳаётини қурган оралиги даврида асос солинган бўлиб, Германияда авангард санъатининг академик маркази бўлиб майдонга чиқди. У бадий ҳунармандчилик, саноят дизайни ҳамда санъатнинг синтези бўйича таъриблар ўтказиладиган ўқув маркази сифатида фаолият юритади. Баухауснинг биринчи экспрессионистик фаолияти даврида фото санъати хали бу қадар катта аҳамият касб эتماйди.

Баухаус уюшмаси аъзолари ўз фото ишларини бадий фото сифатида эмас, балки даврнинг ҳужжатлари сифатида қўришар эди.

Вақт ўтар экан, «ҳаваскорлик услуби» билан бир қаторда Вальтер Петерханс фаолияти самараси ўлароқ секин-аста профессионал фото санъатига аҳамият ортиб боради. 20-йилларнинг охирида фотосуратларни китоб нашрида қўллашда Герберт Байер ва Ласло Мохой — Надларнинг ўрни аҳамиятга эришди. Улар нафақат нашр чиқишларнинг бегази билан, балки Баухаус деворларида реклама махсулотларининг дизайнилари ва катта форматли плакатларни ишлаб чиқиш билан ҳам шугулланишмоқда.

Ушбу кўргазма доирасида маърузалар ва ҳужжатли фильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исми, шарифининг сир сақланиши қафолатланади.

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-22-33, (8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (8-371) 232-03-30
Андихон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 233-00-00
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45
Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39

Катталар

БАҲОР ИЛҲОМЛАРИ

Шағал тошли ташландиқ эди-я бу жой. Қандини урсин, ким бўлсам, чиройлиқина бог қилибди. Яйраб ўсаётган дарахларнинг гунчалари бўртби турибди, дейман ҳавасим келиб ўша боққа.

Аммо сал наридаги бошқа богнинг манзарасидан эса қайфиятим бузилади.

—Қойил қилиб экиб, кўкартирдим-у ҳосилдан дарақ йўқ. —деди богида энгашиб юрган богбон, зич экилган дарахларига ишора қилиб. —Бир-бир қўлингдан ўтказиб берсанг,—дейди менга зорланиб.

—Ҳўп, ортиқча шохларини бутайман. Лекин қолган шохлари гулласаям барибир тўкилиб кетади.

—Сабаб? Сувини берсам, тагини чопсам...— дарахларини айбдор қилади у.

—Қўчати қанча кўп эксан, шунча кўп ҳосил оламан, деб ўйлагансан-ов, биродар. Одам юрса адишиб қоладиган чачалакка ўхшайди богнинг. Ешроқ кўматларни амаллаб бошқа жойга ўтказилса, қолганлари яйраб ҳосилга қирармиди.

—Ортиқча жой йўқ-де.

—Ундай бўлса қўшларингга бер. Савоб ҳам керак» демоқчи бўламан-у журъдман етмайди. Бу ҳақда ўзидан бир фикр чиқариман дейман. —Сиқувда азоб чеккандан кўра ортиқчасини кес тагидан.

—Қўзим қиймапта. Юрагим юлиниб кетаётгандек бўшадади.

—Эй биродар, зич дарахларинг бир-бири билан ҳаво, қуёш нурини талашиб, ҳосил бермоққа дармонсизлигидан хабаринг борми? Хув анави режали богдан хулоса чиқарсанг-чи. Ҳар йилги бодроқдек гуллаб, ҳосил тутиши бу богда баҳорнинг ҳам чиндан-да қулиши богбоннинг бағри кенглигидан эмасми? —дегим келадди

бағри тор богбонга.

ПАЙВАНДЧИНИНГ МЕҲРИ

Ариқ бўйига қимдир эккан тут ниҳоли кўкарди-ю, шўра бурганлар қуршовида қолган, шохлар ўсолмай қолди. Устига-устак ёввойи ўтлар орасида эндигина кўринган боши тизгинсиз бузуқнинг нафидан синиб, қайир пўстлоғи билан илиниб қолди.

Ниҳолнинг яшаш истаги қуйналган жонига қаноат ато этган. Дабдурустдан унга қўзи тушган табиятга бифарқ бир кимса: Шу жимитдек тут кўкарди қаякка борарди? деди-ю ёнидан индамай ўтиб кетди.

Дов-дарахларга меҳрибон, синчков пайвандчининг нигоҳи ниҳолга тушдию йўлда тўхтади. Тўсатдан турган шамолдан тўзиган булутдек хаёлларини жамлаб, ариқ бўйига борди. Ниҳолни сиқиб ётган ёввойи ўтти суғурди ташлади. Эртасига унинг қаламчадек танасини токкайчида қирқиб, пичоғининг унчада пўстлоғини ёрди. Шотутининг қуртакли пўстлоғини унинг орасига тиқиб пайвандлади.

Пайвандчи яхши амал олсин, дея тагини юмшатди, сув қуйди. Қулни санаб гурираб, баҳор файзига файз қўшаётган пайванд ўтқинчиларнинг назарига тушди:

—Яқиндагина эди, ўтлар орасидан нозикки-на барги қуллоқларини аранг кўрсатиб турувди, шопалоқлаб ўсиб кетибди-я.

—Фахриддин пайвандчи гимирлаб юрганини узокдан кўрувдим. Ўша сен менсимган оддий тутга шотутни улаган экан-да.

Вақт ўтиб шотут ҳосилдан йўловчиларнинг кўзлари қувнади. Хуш таъми оғизларда қолади. Беморлар эса ундан шиφο топиб, пайвандчи хақиға дуо қилади.

Чамамда пайвандчи ўз шотути орқали ўз меҳрини табият, одамларга пайванд қилган эди. Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 4 апрель куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган оқиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 25 декабрдаги ЖКС 1-1184/2007-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманида жойлашган «Севзор» автотранспорт воситалари жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30С1973 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «DAEWOO LIGANZA» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич баҳоси — 16 792 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевоқиф жойга чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Ҳўжаев, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Boш муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-206

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашрийт-матбоа акцидаторлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3456
Тошпирилган вақти: 13.40